

г.Ходжейли

Хўжайли тумани Халқ таълим бўлими номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар **Б.Хафизов** бир томондан кейингиўринларда «Буюртмачи» деб аталиб, буюртмачи номидан ва **QARAQALPAQ TAUEKEL QURILIS МЧЖ** номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар **М.Сейдаметов** иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталиб, пудратчи номидан, **Хўжайли тумани Халқ таълими бўлими** биносини жорий таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

Ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узғаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

Қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади.

Вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

Беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган вақтинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқични ва (ёки) турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга таксимлаш.

II. Шартнома предмети.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Хўжайли тумани Халқ таълими бўлими** биносини **жорий таъмирлаш** буйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома буйича ишлар қиймати.

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори 2022 йил 20-сентябрь кунги (**электрон баённома, Лот №149168**) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда, жорий нархларда (шу жумладан 15% ҚҚС 139 408 695 сўм 65т. (бир юз уттиз туккиз миллион тўрт юз саккиз минг олти юз туксон беш сўм 65 тийин) билан **Хўжайли тумани халқ таълими бўлими биносини**

жорий таъмирлаш буйича қурилиш ишларини бажариш учунжами **1 068 800 000 (Бир миллиард олтмиш саккиз миллион саккиз юз минг) сўмни** ташкил этади.
(Пудратчи М.Сейдаметов)

5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа узгартирилганда.

6. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

8. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномадаги 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоат нархдаги ишларни энг камида 50 фоизини узининг кучи ва (ёки) жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- 1-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва саклаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан келишган ҳолда шартнома тузиши шарт;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чирокларини урнатиш;

- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиш ва иссик оват билан таъминлаш;

- қурилиш таваққалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган қундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бунатиш;

- қурилиш майдонини қуриқлашни таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи имзоланган пудрат шартномасининг 2-иловасига мувофиқ, ҳар ҳисобот оининг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига ҳисобот топшириши лозим, акс ҳолда ҳисобот ойида 2-иловага кўра бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида Буюртмачига пеня тулайди ҳамда пудрат шартномани бекор қилиш амалдаги қонун доирасида кўриб чиқилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларни уз кучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 фоиздан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва иш ҳажмларига Буюртмачининг руҳсатисиз ўзгартириш киритмайди. Агарда ўз хоҳиши билан ўзгартирган тағдирда Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиха смета хужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини 5 кун муддатда куриб чиқиш ва қарор кабул килиш;

- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бирой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан ҳар ҳисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида ҳисоб-фактура ва ҳисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларини молиялаштирмайди. Ушбу шартноманинг 3-банди бажарилмайди.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

13. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» узаро ҳисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблағлари ҳисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) савдолари натижаси буйича аниқланган курилишнинг фойдаланишга топшириш муддати Пудратчининг ҳисоб рақамига шартнома буйича умумий қийматининг аванс пуллари келиб тушган кундан сунг 60 (олтмиш) кунни ташкил этилади.

16. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий қийматининг 15 фоизи миқдоридан аванс утказди, қолган 85 % маблағ топширилган иш хажмининг бажарилишига мувофиқ (ҳисоб-фактура, далолатнома асос) тулаб берилади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

19. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектни тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

20. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

-Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда Буюртмачи тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

VIII. Ишларни бажариш

21. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

22. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

23. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайда булувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

24. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бандида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

25. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

26. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

28. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

29. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан амалга оширади.

30. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

31. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли қорхоналарга топширади.

32. Пудратчи узи томонидан курилишда қулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини қафолатлайди.

33. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурулишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

34. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитекткурулишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

35. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.

36. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу ҳақда хабардор килмаган булса ёки кечикиб хабардор килинган булса, у ҳолда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

37. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз кучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

38. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

39. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиб тугрисидаги маълумотлар, шунингдек, қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни

3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларни қуриклаш.

40. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қуриқланишини таъминлайди.

41. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.

42. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

43. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари 1 ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

44. Агар томонлар 2 ой ичида келиша олмасалар у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.

45. Қурилиши тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

46. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул қилиш ишчи гуруҳ далолатномасини беради.

Буюртмачи қуриилши тугалланган объектни Давлат қабул комиссияси иштирокида қабул қилиб олади.

47. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос қилишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

48. Иншоат Давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул қилинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар.

49. Пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улдар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торгган тақдирда, уларнитекшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш.

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан 1 ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кура тугалланмаган курилиш биров муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бўй берилган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани қонунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошқа Пудратчига бериш бўйича тақлиф беради.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

58. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хужалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош торганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош торган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

61. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утқазиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утқазиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи ва шартноманинг 2-иловасига мувофиқ

объектда ҳар ойда бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмларини бажармаган тақдирда, ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томониккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Нукустуманлараро иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар.

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йукотади..

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз бирон-бир учинчи (шахс) томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралик бугинларнинг иштирокисиз фақат шартнома асосида қурилади.

Бунда ҳам моддий-техника ресурсларини узаро берган ҳолда, ҳам улар берилмаган ҳолда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши доирасида воситасининг иши ҳамда моддий-техника ресурсларини ташқарига реализация қилиш деб ҳисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тулов амалга оширилади.

69. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари буйича тузилган бош шартнома буйича мажбуриятлар сақланиб қоллиниши шарт билан мустақил амалга оширилади.

70. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

71. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан қелиб қикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб қеладиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

72. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни қечиктиришга ҳақлидир.

73. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қулланилади.

74. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзолаганиб худудий газначилик булинмаларидан руйхатдан утказилгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

75. Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эгадир.

XVII. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

76. Тарафлар шартнома тузушда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганида сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий харакатлар содир қилинмасликка келишиб оладилар.

77. Тарафларда шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

78. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ, муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатлар амалга ошириши мумкунлиги хақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

79. Тарафлар давлат хизматлари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижровий ўргинлари, мансабдор шахслари ва ходимлари хар қандай вақт ва шакилда қуйдаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учунчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди): а) назорат қиливчи ўргинлардан литсензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа сохаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликлар эга бўлиши ёки сақлаб қолиш максасида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинадиган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинаган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айланттилиши, ёхуд алмаштирилиши йўли билан унинг келиб чиқиши қонуний тус бериши, бундан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган хақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; д) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазийк ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат ўргинларини дархол хабардор қилиши шарт.

80. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, литсензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа харакатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, ҳуқуқшунослари, хисобчилар, улар номидан харакат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйдаги харакатлани амалга оширишлари шарт; -коррупциявий харакатлар йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

81. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга белгиланган мажбуриятлар бузулганлиги ҳолатлари хақида хабар берилганлиги учун уларга таъзийк ўтказилмаслигини кафолайдилар.

XOJELI RAYONÍ ÁDILLIK BÓLIMI YURIDIKALÍQ XÍZMET KÓRSETIW ORAYÍNÍN YURIDIKALÍQ ÁHMIYETKE IYE HÚJJETLERDÍN NÍZAM HÚJJETLERINE MUWAPÍQLÍGÍ HAQQÍNDAGÍ HUQÍQÍY JUWMAGÍ

Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 29.06.2021-jılgı PQ-5168-sanlı qararı menen tastıyqlanǵan “Yuridikalıq xızmet kórsetiw orayları haqqında”ǵı Rejege tiykarlanıp, Xojeli rayonu Xalıq bilimlendiriw bólimi shártnama joybarın huqıqıy ekspertizadan ótkerilgende tómendegiler

ANIQLANDI:

1. Joybar túri: shártnama

2. Joybarataması: Xojalıq (Pudrat) shártnamasın dúziw

3. Joybar mazmunı: Xojeli rayonu Xalıq bilimlendiriw bólimi hám “QARAQALPAQ TAUEKEL QURILIS” JSHJ ortasında 2022-jıl 21-sentyabr sánesi menen Xojeli rayonu Xalıq bilimlendiriw bólimi imaratın jeńil ońlawǵa qaratilǵan 1 068 800 000 (Bir milliard alpıs segiz million segiz jüz mın) sum muǵdarında Xojalıq (Pudrat) shártnamasın dúziwden ibarat.

4. Joybardı islep shıǵıwshı hám kiritilgen sáne haqqında maǵlıwmat: Xojeli rayonu Xalıq bilimlendiriw bólimi tárepinen islep shıǵılǵan hám 2022-jıl 21-sentyabr kúni dástúrge kiritilgen.

5. Joybardıń nızam hújjetlerine muwapıqlıǵı: Shártnama joybarın úyreniw dawamında, Ózbekstan Respublikası Puqaralıq kodeksiniń (Xojalıq shártnamaları haqqındaǵı ulıwma qaǵıydalar) 353-354,666-statyaları, Ózbekstan Respublikasınıń 29.08.1998-jılgı №670-I-sanlı “Xojalıq júritiwshı subyektlar iskerliginiń shartnamalıq-huqıqıy bazası haqqındaǵı” Nızamı tiykarında islep shıǵ’ılǵ’an.

Joqarıdaǵılardı esapqa alıp, huqıqıy ekspertizadan ótkeriw nátiyjelerine kóre

JUWMAQ:

Xojeli rayonu Xalıq bilimlendiriw bólimi shártnama joybarı nızam hújjetlerine **muwapıq islep shıǵılǵan.**

**Yuridikalıq xızmet kórsetiw
orayı bas yuriskonsultı:**

22.09.2022-jılı



U.Yerejepova



«ТАСТВИЙИКЛАЙМАН»
Хожели району Халык билимлендириу
болими баслыгы
Б.Хафизов
« 22 » сентябрь 2022-жыл

Хожели району Халык билимлендириу болими «Товар-материаллык запаслар хэм ислерди хызметлерди) сатып алыу бойынша таңлау комиссиясы»ның ең жақсы уынысларды таңлап алыу бойынша откерилген
9 -санлы мәжлис баяннамасы

2022-жыл « 22 » сентябрь

Хожели району

Қатнасыўшылар
Комиссия баслыгы
Комиссия ағзалары

(Ф.И.Ш)
Б.Сайпназаров
О.Аметов
Ж.Танатаров
Б.Матниязов
Б.Хожамуратов

(Лаўазымы)
Болим баслыгы
Бас есапшы
Ст Бухгалтер
Бухгалтер
Эксплуатация бөлими қәнигеси

КҮН ТӘРТИБИ:

Хожели району Халык билимлендириу болими - Таңлап алыу комиссиясы баслыгы Б.Хафизов мәжлисте таңлау комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам қатнасып атырғанлығын айтып өтип, таңлау комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлау комиссиясы хаткери таңлау комиссиясына төмендеги мағлыўматларды усинды:

Өзбекстан Республикасының 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы «Мәмлекет сатып алыўлар ҳаққындағы Нызамының (текстте кейинги орынларда-Нызам) 58-статьясына мууапық ең жақсы уынысларды таңлап алыу откерилиўи ҳаққында арнаўлы информация порталында (<http://etender.uzex.uz/>) дағаза таңлап алыу қатнасыўшыларының қабыл етиў мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жұмыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрепинен жеке кабинети арқалы жайластырылған 2022 жыл 13 сентябрь күнги 22110012149168-санлы лот бойынша 2022-жыл 20-сентябрь күнги электрон баяннамасы бойынша хеш қандай шағым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы «Мәмлекетлик сатып алыўлар ҳаққында»ғы Нызамы талапларына хэмде жоқары көрсетилген мағлыўматларды есапқа алып Таңлау комиссиясы






Қ А Р А Р Е Т Е Д И :

1. Хожели району Халык билимлендириу болими имаратын женил ремонт жұмысларын әмелге асырыўоткерилген таңлап алыуда таңлап алыу ҳужжетлеринде хэм таңлау шәртлери бойынша ең жақсы шәртлерди усинған хэм таңлап алыу женимпазы деп табылған "QARAQALPAQ TA'UEKEL QURILIS" ЖШЖ 1 068 800 000 сум (ҚҚС пенен бирге) менен шартнама дузилсин.
2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыу шәртлери тийқарында шәртнама дүзиўден бас тартқан жағдайда шартнама дүзиў ҳуқуқы кейинги қатнасыўшы (резерв) етип, "NANO INNOVATION QURILIS" ЖШЖ белгиленсин. Бунда жеңимпаз қатнасыўшы усыныс еткен суммасынан аспаған муғдарда шәртнама дүзиў мүмкинлиги белгилеп койылсын.
3. Мекеменин бас есапшысы—О.Аметов таңлау алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама ҳужжетлерин таярлау хамде шартнама дузилген сон 3 (уш) жұмыс куни ишинде арнаулы информация порталына (www.etender.uzex.uz) жайластырыу тапсырылсын.
4. Таңлау комиссиясы хаткери (А.Каймоллаев), усы таңлап алыу тийисли барлық ҳужжетлерди белгиленген тартипте сақлануын тамийинлесин.

Қатнасыўшылар

Комиссия баслыгы

Комиссия ағзалары

 Б.Сайпназаров
 О.Аметов
 Ж.Танатаров
 Б.Матниязов
 Б.Хожамуратов